VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

39 (411) ● 2016 йил 7 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Владимир Путин Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди



Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзаро ҳамкорлик кенг кўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди. Ўзбекистон Ислом Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустаҳкамлашини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Голиб ҲАСАНОВ,
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
(сурат), ЎзА

Таъзияномалар

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири — **Нарендра Моди**

Малайзия Қироли — **Абдул Халим Муадзам Шоҳ**
Янг ди-Пертуан Агонг XIV

Малайзия Бош вазири — **Дато Сри Мохд Нажиб**

Таиланд Қироли — **Пумипон Адулядет**

Финляндия Республикаси Президенти — **Саули Нийнистё**

Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ**
Саид Ҳусайн Ас-Сиси

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси — **Маҳмуд Аббос**

Лаос Халқ-Демократик Республикаси Бош вазири —
Тхонглун Сисулит

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби — **Жон Керри**

Афғонистон Ислом Республикаси Парламенти Қуйи палатаси раиси — **Абдул Рауф Иброҳимий**

Кувайт Давлати Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири — **Шайх Сабоҳ ал-Холид**
ал-Хамад ас-Сабоҳ

Токио шаҳри губернатори — **Юрико Коикэ**

Хигашикава шаҳри мэри (Япония) — **Мацуока Ичиро**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори — **Жозе Грациану да Силва**

"Транснефть" компанияси вице-президенти —
Владимир Рушайло

"Мицубиши Корпорейшн" бошқаруви раиси —
Кен Кобаяши

"НЭК Корпорейшн" компанияси президенти — **Нобухиро Эндо**

Франция ривожланиш агентлиги бош директори — **Рэми Рию**

Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти —
Лев Леваев

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти —
Борис Қандов

"Сока Гаккай Интернэшнл" президенти — **Дайсаку Икеда**

Нагоя университети президенти — **Сеичи Мацуо**

Васеда университети президенти — **Каору Камата**

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби —
Владимир Шербаков.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

Илҳом Алиев: "Ислом Каримовни Озарбайжонда самимий дўст сифатида билишади ва чуқур ҳурмат қилишади"

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонасига ташриф буюрди. Мамлакатимиз дипломатия миссиясида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Озарбайжон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан ўзбек халқига самимий ҳамдардлик ва қайғудошлик изҳор этди.

— Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатида тарихга кирди, — деди у. — Мамлакат мустақиллиги ва суверенитетининг оёққа туриши, ривожланиши ва мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда эришилган муваффақиятлар, қардош Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви ҳурматли Президентнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ислом Каримовни Озарбайжонда кўп асрлик дўстлик ва бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш анъаналарини мустаҳкамлашга, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатларини шакллантириш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ҳисса қўшган самимий дўст сифатида билишади ва чуқур ҳурмат қилишади.

Ислом Каримовнинг ёркин хотираси қалбларимизга мангу қолади.

Оллоҳ раҳмат этсин!

Шунингдек, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев элчихонанинг ҳамдардлик китобида ўз таъзияномасини ёзиб қолдирди.

"Жаҳон" АА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотираси халқимизнинг қалбида мангу яшайди. Бутун халқимиз Президентимиз вафотидан чуқур қайғуда.

Руслан НУРУДИНОВ, оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби:

— Юртбошимиз Ислом Каримовдек халқпарвар, болажон, ёшларни "Менинг фарзандларим!" деб бағрига босиб, чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этадиган раҳбар кам бўлса керак.

Мен мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йили туғилганман. Мустақил давлатимиз билан бирга ўсдим, улғайдим. Мана шу ўтган йигирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим Президентимизнинг улкан меҳри ва ғамхўрлиги оғушида вояга етдик. Нимани ният қилсак, қалбимизда қандай эзгу мақсад бўлса, барчасига эришаяпмиз. Бу мамлакатимизда замонавий таълим олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир.

Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Юртбошимиз бу ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги фармони билан мени "Эл-юрт ҳурмати" орденига муносиб кўрди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, Президентимиз ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, энди Ислом бобомиз билан кўришганда, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим, менинг ғалаба қозонишимда Сизнинг "Маррани баланд олинг, азиз фарзандларим! Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди" деган даъватингиз катта куч берди дейман, дуосини оламан, деб ният қилгандим. Афсуски, армон бўлиб қолди...

Юртбошимизнинг бу даъватлари юрагимиздан ҳеч қачон ўчмайди ва бизни янада юксак ғалабалар сари илҳомлантираверади. Президентимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ, бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари совриндори:

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, билдирган юксак ишончини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз бу ишончни доим оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятимизни намоён этиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

Мени ва тенгқурларимни Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимизни юзага чиқарди. Спортдаги фаолиятимизда юксак натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. 2015 йили Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мени бағрига босиб, "Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!" дея юксак ишонч билдирган эди.

Бразилияда ўтган Олимпиадада кумуш медални қўлга киритган бўлсам-да, Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги фармонига биноан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг оталарча меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

ЎзА мухбири
Байрам АЙТМУРОДОВ ёзиб олди.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Президентимиз портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров ва бошқалар истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар мангуликка муҳрланиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг биринчи кунларидан оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилди.

Ислом Каримов журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркорлигини уқтирарди.

— Президентимизнинг биз, журналистлар меҳнатини доимо юксак қадрлаб келганини мамлакатимизда таъсис этилган турли нуфузли танловлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. — Бу танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш рамзи бўлиб қолади. Ислом Каримов номи тинчликсевар ва халқпарвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

MILLIY TIKLANISH
39 (411) 2016 йил 7 сентябрь, чоршанба

Муносабат

Эл-юртга бахшида умр

Мамлакатимиз эришган барча муваффақият ва ютуқларимиз асосчиси, халқимизнинг азиз ва буюк фарзанди — тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов жасорати ва мардлиги билан қўлга киритилган истиқлол ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартирди, халқимизни қарамлик кишанларидан озод этди, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклади. Ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди.

Давлат раҳбари истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Барчани ана шу улуғ мақсад ортидан эргаштира олди. Натижада, бугун мамлакатимиз қудратли ва иқтисодий салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳонда катта обрў-эътибор топди. Ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари сўнгги ўн йиликда жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмагани ҳам бунинг исботидир.

Бугун юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этиб, ишлаб чиқариш корхоналари, илм-фан, маданият, санъат ва спорт кошоналари барпо этилди, аҳоли фаровонлиги юксалди. Барча соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мустақиллигимизнинг иқтисодий асослари таъминланди. Бир пайтлар миллатлараро низо, фуқаролик уруши, очарчилик бўсағасида турган мамлакатимиз бугун тинч, осуда, фаровон юртга айланди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган ислоҳотларда маънавий соҳадаги ишлар муҳим ўрин тутди. Чунки мустақиллик, энг аввало, миллий тикланиш ва юксалиш демакдир. Мазкур йўналишда олиб борилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида 25 йил давомида биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этдик, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш нечоғлик улуғ саодат ва фахр эканини теран англадик. Шу боис, бу борада Президент Ислом Каримов бошлаб берган эзгу ва хайрли ишларни ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, изчил давом эттирамиз. Бу борада "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган ҳаётий ҳақиқат асосида маънавий-маърифий соҳаларда олиб бораётган ишимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш зиммамиздаги энг асосий вазифалардандир.

Истиқлол йилларида барча соҳада эришилган муваффақиятларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Энг асосийси, мамлакатимиз аҳолиси бугунги ҳаётидан мамнун, эртанги кунидан кўнгли тўқ. Президент Ислом Каримовдан озод ва обод Ватан қолди. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада тараққий эттириш, ўзбек халқининг буюк фарзанди орзу қилган марраларни забт этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мустақиллигимиз меъмори, ҳар жиҳатдан тараққий этаётган давлатимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Авлодлар қалбида мангу яшайди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Зеро, миллий истиқлолимиз шу буюк инсоннинг номи билан боғлиқ. Мамлакатни мустақилликка олиб чиққан, унинг тинчлигини биринчи ўринга қўйган, халқига ўзлигини англаши учун имкон яратган, унинг қадриятлари, урф-одатларини тиклаган, мамлакатни ривожлантириш, юксакларга кўтариш учун шароит яратган Буюк инсон вафоти биз учун ниҳоятда қайғулидир. Халқимиз ўз Президенти, Йўлбошчисини беҳад севар, ишонар, қадрлар эди. Буни ҳамиша аҳоли билан учрашувларда, суҳбат-мулоқотларда кўрганмиз, эшитганмиз, ҳис этганмиз.

Ислом Каримов, энг биринчи навбатда, халқимизнинг деярли унут бўлган қадриятларини қайта тиклади, урф-одат, анъаналарни асраб-авайлашга эътибор қаратди. Тарихимиз, улуғ бобокалонларимиз ҳаёти ва илмий, маънавий меросини ўрганиш, уларнинг номини абадийлаштиришга бошқош бўлди. Халқимизда аждодлари билан фахрланиш, улардан ўрнак олиб, муносиб ворис бўлиш ҳиссини уйғотди. Бу бизга миллий ўзлигимизни, кимларнинг фарзанди эканимиз ва қандай марраларни забт этишимиз кераклигини англатди.

Ислом Каримов "Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим! Уларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!", деган сўзларни қайта-қайта такрорлашдан чарчамас эди. Чиндан ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилган оқилона сиёсатнинг энг устувор йўналиши — ёш авлод тарбияси ва келажаги масаласи ҳисобланарди. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз олдига катта мақсадларни қўйиб, юксак чўққиларни забт этиши йўлида бор куч-ғайратини аямади. Президент ҳар бир маъруза ёки учрашувида, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида, албатта, ёшлар масаласига алоҳида урғу берар, уларни руҳлантирар, "Маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!" дея миллионлаб ёшларни олға интилишга ундар эди...

Истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури орқали мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позициясига эга, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Бунинг юксак самараларига деярли ҳар куни гувоҳ бўляпмиз. Бугун халқаро фан олимпиадалари, йирик спорт мусобақаларида ёшларимиз энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бразилияда бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳам айнан истиқлол йилларида вояга етган йигит-қизлар улкан муваффақиятларга эришди.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти амалга оширган буюк ишлар ҳеч қачон унут бўлмайди. Унинг жасорати, фидойилиги, халқпарварлиги абадиятга муҳрланди. Истиқлол бунёдкорининг номи қалбимизда абадий ва эзгу йўли бардавомдир.

Одилжон ТОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Маросим

Ҳамиша барҳаёт сиймо

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгаши ходимлари иштирок этди.

Маросим иштирокчилари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Мустақиллигимиз меъмори, буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, барча соҳани қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, маънавий юксалиши йўлидаги хизматлари беқиёс бўлгани ёдга олинди.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов.

— Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Президентимиз очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида, элу юртни осойишта, хотиржам ва фаровон ҳаёт кечириш бахтига муяссар қилган фидойи, халқпарвар раҳбар сифатида мамлакатимиз тарихида, халқимиз хотираси ва қалбида мангу яшайди.

— Йўлбошчимиз Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларидан, айниқса, миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш, ўзликни англаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев.

— Миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий, маданий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бугун ҳар бир соҳада эришган ютуқ ва марраларимиз замирида ҳам, энг аввало, маънавий юксалиш, ўзликни англашга қаратилган эътибор, "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғояси асосида олиб борилган саъй-ҳаракатлар мужассам. Юртбошимизнинг миллат маънавиятини, руҳиятини тиклаш борасидаги бу эзгу амаллари, юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган беқиёс ишлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланади. Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев ва бошқалар Ислом Каримов ҳар бир соҳа тараққиётига, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшгани, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, ёш авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда раҳнамолик кўрсатганини эътироф этдилар. Ислом Каримов мамлакатимиз бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди. Ёшларимиз, аёлларимиз, бутун халқимиз буюк давлат арбоби, суюкли Юртбошимиз хотирасини қалбида мангу сақлайди.

Тадбирда Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё давлатлари осойишталиги, хавфсизлиги ва фаровонлиги йўлида қайғурган, узоқни кўра билган тенгсиз сиёсатчи, доно ва довюрак раҳбар, комил инсон бўлгани алоҳида таъкидланди. Бу яқин ва узоқ давлатлар раҳбарларидан, сиёсий доира вакилларидан халқимиз номига келаётган таъзияномаларда ҳам бот-бот такрорланмоқда. Юртимиз ва минтақамизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш борасида Ислом Каримов илгари сурган ғоя ва ташаббуслар, амалий ишлар ҳар бир инсонни ҳушёрликка, ён-атрофга бепарво бўлмасликка ундайди.

Тадбирда партия фаоллари Биринчи Президентимизнинг юрт келажаги йўлида бошлаб берган буюк ишларини изчил давом эттириш, юксак орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари, партия фаоллари партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишда ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Тинчлик ва осойишталик — улуғ неъмат

Андижон

ЎзМТДП Шаҳрихон туман кенгаши "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Истиқлол шарофати билан халқимиз ҳаёти, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда, — деди партия Шаҳрихон туман кенгаши раиси Жавлон Маматқодиров. — Тинчлик ва осойишталик барқарор жойдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Шундай экан, бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, ёшларга унинг аҳамиятини янада теран тушунтириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардандир.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида барча соҳада қўлга киритган салмоқли ютуқларимиз, фаровон ҳаёт, яратиб берилган қулай шароит ва имкониятлар замирида олий неъмат — тинчлик мужассам. Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон бугун дунё билан бўйлашмоқда, жамият ҳаётида мустаҳкам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлида улкан ютуқларга эришилмоқда.

Давра суҳбатида ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсиридан асрашга қаратилган лойиҳалар, конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатларини мунтазам ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Навоий

ЎзМТДП Учқудуқ туман кенгаши "Келажаги буюк юрт фарзандлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда партия туман кенгаши аъзолари ва фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Бугунги глобаллашув даврида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ва пировард мақсадидир, — деди партия Учқудуқ туман кенгаши раиси Сирожиддин Абдукаримов. — Бу эзгу мақсадни амалга оширишда аждодларимиздан мерос миллий қадрият ва анъаналар, таълим-тарбия муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Шунингдек, турли соҳада муваффақият қозонган юртимиз ифтихорлари билан ўтказилаётган учрашувлар ҳам ёшларимиз учун айни муддаодир. Зеро, Партия сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган устувор мақсад — баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги тадбирлар ёш авлод вакилларини юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир якунида бир гуруҳ ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Сирдарё

ЎзМТДП Сардоба туман кенгаши "Миллий қадриятлар — миллат бешиги" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда миллий қадрият ва анъаналарнинг ўрни беқиёс, — деди партия Сардоба туман кенгаши раиси Қурбон Ўтаев. — Партиямиз маънавий қадриятлар, халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, бой тарихий меросимизни асраб-авайлашни кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига чуқур сингдиришни асосий дастурий вазифаси деб билади.

Таъкидланганидек, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч-осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли масалаларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Қадриятга айланган ҳар бир урф-одат, лапару халқ оғзаки ижоди замирида ҳам халқнинг йиллар давомида босиб ўтган ҳаёт йўли ва тарзи, ўзлиги мужассам. Миллий қадриятлар ўзликни англаш, миллатни бирлаштиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Фарғона

ЎзМТДП Қувасой шаҳар кенгаши шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази билан ҳамкорликда "Юксак маънавият — енгилмас куч" лойиҳаси доирасида "Комил инсон тарбиясида оила ва маҳалла ҳамкорлигининг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Унда партия Қувасой шаҳар кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, "Баркамол авлод" болалар маркази шаҳар бўлими ходимлари, ўқитувчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбияси масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу нафақат оила ёки таълим муассасаси, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаси эканлигини унутмаслик лозим, — деди партия шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Бадалбоев. — Бу каби давра суҳбатлари ёшлар тарбияси билан боғлиқ ишлар самарадорлигини оширишда барчамиз масъул эканлигимизни теран англашда катта аҳамиятга эга.

Тадбирда оилада ота-она, маҳаллада қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида ўқитувчи ва мураббий навқирон авлод баркамоллиги ҳамда ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлиб вояга етиши учун барча имкониятларни ишга солиши лозимлиги таъкидланди. Зеро, таълим-тарбия ишларини ҳамкорликда олиб бориш доимо ижобий натижа берган. Буни ҳаётга татбиқ этишда айниқса, оила, маҳалла, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил

ЎзМТДП ёшлари

партиянинг асосий таянчи

Бугун мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшлар вояга етмоқда. Улар ўз истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароит ва имконият мавжуд. Юрт келажаги, равнақи ва тараққиётида маънавий жиҳатдан етук, зукко, иродаси бақувват, иймони бутун, фаол ва шижоатли авлод муҳим ўрин тутади. Зеро, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшлар келажаги буюк мамлакатни барпо этишга қодир.



Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деган даъвати устувор аҳамият касб этаётир. Жумладан, ҳар бир йилга ном берилиши ва шу муносабат билан кенг қамровли Давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳам ёшлар масаласи доимо ислоҳотлар марказида турганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда келажак эгаларига қаратилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда. Ёшлар масаласи партия фаолиятида етакчи ўрин тутади. Партия сайловолди Платформасида ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш, барча ўғил-қизларнинг таълим олиши, ижод, спорт билан шуғулланиши, тиббий хизматдан баҳраманд бўлиши борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партия "Ёшлар қаноти" фаолияти ана шундай дастурий мақсад-вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

— Келажагимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариш, партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш, фаолият самарадорлигини ошириш, ёш сафдошларимиз сонини кўпайтириш — асосий мақсадимиз, — дейди партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар ишлари бўлим бошлиғи Ҳамдам Ниёзов. — Бу борада, айни пайтда, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилояти Кенгашлари "Ёшлар қаноти" фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Партия Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" ўтган 8 ойда "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" шиори остидаги минтақавий ёшлар фестивалини ҳамда республика ёшлар форумини, "Глобаллашув жараёнида ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги минтақавий ёшлар анжуманини, Тошкент шаҳрида "Ёшлар маънавиятини юксалтириш — ЎзМТДПнинг устувор вазифаси" мавзусидаги республика семинарини юқори савияда ташкил этди. Уларнинг деярли барчасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ва Сенат аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар иштирок этди. Бу эса, ўз навбатида, халқ вакиллари билан ёшлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш ҳамда ёшларни қизиқтираётган масалаларга ечим топишга имкон яратди. Бундан ташқари мазкур лойиҳалар юзлаб иқтидорли йигит-қизларни кашф этди, билим-тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилди.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли сиёсий-маданий тадбирлар, акция ва лойиҳалар, конференция ва форумлар, ўқув-семинарлар ёшлар орасига кенг кириб бориш, уларни бирлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Улар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда бевосита иштирокини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига кўмаклашишга хизмат қилмоқда. Мазкур танловлар воситасида ёшларимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз равнақига қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, партия дастурий мақсадлари мазмунмоҳиятини янада теранроқ англамоқдалар.

— ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" навқирон авлод онгида турли мафкуравий таҳдидларга нисбатан иммунитетни шакллантириш ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар ишлари бўлими етакчи мутахассиси Рухшона Худоёрова. — Барча даражадаги партия ташкилотлари ўтказаётган "Глобаллашув ва "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири" мавзусидаги давра суҳбати, "Озод юртнинг обод гўшаси" ёшлар акцияси сингари тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, фаол, ташаббускор, изланувчан ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётир. Бугун ЎзМТДП умумий аъзолари сонининг 53 фоизга яқинини ёшлар ташкил этаётгани эътиборга молик. Улар орасида депутатлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Президент стипендиантлари, спорт бўйича мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлари бор.

Мамлакатимизда демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш — муҳим вазифа. Бу эса, айниқса, партиянинг асосий таркибий қисми бўлган "Ёшлар қаноти" фаолиятини янги босқичга кўтариш, фаолияти самарадорлигини оширишни талаб этади.

— Дарҳақиқат, партияларо рақобат кучайиб бораётган шароитда партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш, асосий вазифа саналади, — деди партия Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчи мутахассиси Асадбек Бобожонов. — Бунинг учун ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уларнинг талаб ва истакларини ўрганиш, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишга имкон яратиш лозим. Масалан, ижодкор ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган янги лойиҳа ёхуд фестиваль ташкил этиш мумкин. Боиси, партия сафидаги кўплаб ёш аъзолар партия тадбирларида санъатга бўлган қизиқишлари юқорилигини, бу борада ўзига хос истеъдодга эга эканликларини намойиш қилмоқда. Бундан ташқари, партия сафидаги "Ниҳол" ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро спорт турнирлари ғолиблари ва давлат стипендиатлари билан ёшларнинг учрашувлари, юзмаюз мулоқотлари мунтазам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, энг аввало, мақсадга интилувчанлик, иштирокчиларда улардан ўрнак олишга, ўқиш ва ишда уларга тенглашиш орқали юртимизга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Уругвай — Жанубий Американинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган давлат. Шимолдан Бразилия, ғарбдан Аргентина билан чегарадош. Жанубий соҳилларини Атлантика океани суви ювиб туради. Майдони — 176,2 минг квадрат километр. Аҳолиси — 3,5 миллион. Пойтахти — Монтевидео шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 19 департаментга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1967 йилда кучга кирган ва 1997 йилда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат Бош ассамблея, ижро ҳокимиятни Президент амалга оширади. Президент Вазирлар кенгашини тайинлайди.

Уругвай парламенти

икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 99 депутат, Сенатда 30 сенатор фаолият юритади

Бош ассамблея қонунларни қабул қилиш, кодексларни ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш юзасидан қарор чиқариш, суд органларини ташкил этиш, зарурий солиқларни жорий қилиш, ижро ҳокимияти ҳисоботларини қисман ёки бутунлай рад этиш, мамлакатнинг маъмурий ҳудудий тузилиши масаласини ҳал этиш, амнистия эълон қилиш каби ваколатларга эга.

Вакиллар палатаси пропорционал сайлов тизими асосида беш йил муддатга сайланадиган 99 аъзодан иборат. Депутатлар таркибининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинадиган қонун воситасида палата аъзолари сони ўзгартирилиши мумкин. Мамлакат ҳудудида камида беш йилдан буён истиқомат қилиб келаётган, йигирма ёшга тўлган фуқаро депутат этиб сайланиши мумкин.

Ижро, суд ҳокимияти, Ҳисоб палатаси аъзолари, миллий маслаҳатчилар, прокуратура ва ички ишлар ходимлари, ҳарбийлар палата аъзолигига сайланиши мумкин эмас. Вакиллар палатаси Конституция ёки қонунларга зид хатти-ҳаракати, жиноятлари учун миллий маслаҳатчилар, вазирлар, иккала палатанинг аъзоларини, Олий суд, маъмурий ишлар бўйича суд вакилларини Сенат олдида жавобгарликка тортиш ваколатига эга.

Сенат беш йил муддатга сайланадиган 30 аъзодан иборат. Судьялар, прокуратура ва ички ишлар ходимлари, ҳарбийлар сайловда ўз номзодини илгари суриш ҳуқуқига эга эмас. Мамлакат ҳудудида камида етти йил истиқомат қилган, ўттиз ёшга тўлган мамлакат фуқароси палата аъзолигига сайланиши мумкин.

Бош ассамблея сессиялари ҳар йили 15 сентябрдан бошланиб 15 декабрга қадар давом этади. Ҳар бир палата раис ва унинг ўринбосарини тайинлайди. Палата мажлисларида аъзоларнинг камида ярим таркиби иштирок этиши шарт. Сенатор ва депутатлар ўз ваколатларини амалга ошираётган пайтда илгари сурган фикрлари, берган овозлари учун жавобгарликка тортилмайди. Ҳар иккала палата аъзолари дахлсизлик ҳуқуқига эга. Жиноят жойида қўлга олинишни ҳисобга олмаганда улар жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас. Агар парламент аъзоси жиноят жойида қўлга олинса, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зудлик билан бу ҳақда палата раисига хабар бериши шарт.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳар бир аъзоси вазирлар, Олий суд, сайлов масалалари, маъмурий масалалар бўйича суд ҳамда Ҳисоб палатасидан ўз фаолияти учун зарур маълумот ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эга. Бундай сўровнома тегишли органга хат кўринишида юборилади. Агар сўровга қонунда белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаса, парламент аъзоси маълумотни ўз палатаси номидан талаб қилишга ҳақли. Палаталарнинг ҳар қайсиси ўз аъзоларининг учдан бир қисми талаби билан вазирларни парламент мажлисларида иштирок этишга таклиф этиши мумкин. Парламент аъзолари бундай мажлисларда вазирларга савол билан мурожаат қилиб, ўз фаолиятлари учун зарур саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўладилар.

Палаталар ўз фаолиятига таалуқли масалалар юзасидан тафтиш ўтказиш мақсадида парламент комиссияларини шакллантириши мумкин. Сенаторлар ва депутатлар ўз ваколатларини амалга ошираётган пайтда ҳақ тўланадиган бошқа давлат лавозимларида фаолият юритиши мумкин эмас. Мазкур қоидага амал қилмаган парламент аъзоси ўз ваколатидан маҳрум этилади.



Вакиллар палатаси ҳамда Сенатнинг ваколат муддати тугаганидан сўнг, парламентнинг янги таркиби эълон қилингунига қадар доимий комиссия Бош ассамблея вазифасини бажариб туради. Палаталар шакллантирилиши билан доимий комиссиянинг янги таркиби тайинланади.

Қонун лойиҳасини иккала палата ҳам илгари суриши мумкин. Бир палата қабул қилган қонун лойиҳаси иккинчи палатага тақдим этилади. Иккинчи палата эса қонун лойиҳасини қабул қилиши, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши ёки уни рад этиши мумкин. Қонун лойиҳаси тақдим этилган палата унга қўшимчаларни киритиб, лойиҳа ташаббускори бўлган палатага қайтариб берса-ю, палата бундай ўзгартишларни маъқулласа, бу ҳақда маълум қилиб, ижро ҳокимиятига тақдим этади. Бироқ лойиҳа ташаббускори бўлган палата иккинчи палатанинг эътироз ва унга киритган қўшимчаларини инкор этиб, тақдим этилган кўринишда эълон қилинишини талаб қилишга ҳақли. Бунинг учун мазкур палата расман икки палатанинг қўшма йиғилишини чақириши керак. Мазкур йиғилишда иккала палатанинг аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилишади. Бордию, парламент қўшма мажлиси аъзоларининг учдан икки қисми қонун лойиҳасини дастлабки кўринишида қабул қилинишини ёқлаб овоз берса, у шу ҳолатда, ҳеч қандай ўзгартишсиз қабул қилиниши керак. Агар қонун лойиҳаси тақдим этилган палата уни ҳеч қандай эътирозларсиз маъқулласа, лойиҳани эълон қилиш учун ижро ҳокимиятига тақдим этади.

Ижро ҳокимияти қонун лойиҳасини унга тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида ўз эътирозлари билан Бош ассамблеяга қайтариши мумкин. Ижро ҳокимияти қайтарган қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш учун парламент қўшма мажлиси чақирилади. Агар эътирозлар лойиҳанинг бирор-бир қисмига тааллуқли бўлса, у парламент мажлисида ҳозир бўлган аъзоларининг кўпчилиги овози билан маъқулланиши мумкин. Агар палаталарнинг қўшма йиғилишида қонун лойиҳаси маъқулланмаса, рад этилган ҳисобланади ва қайта муҳокамага қўйилиши мумкин эмас. Агар ижро ҳокимияти унга тақдим этилган қонун лойиҳасига нисбатан ҳеч қандай эътирози бўлмаса, у бу ҳақда маълум қилади ҳамда ҳамма танишиб чиқиши учун қонунни эълон қилади. Агар ижро ҳокимияти қайтарган қонун лойиҳаси палаталарнинг қўшма мажлисида қайта маъқулланса, қабул қилинган ҳисобланади ҳамда дарҳол эълон қилиниши шарт.

Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2014 йилнинг 26 октябрида ўтказилди. Унда 50 ўринни қўлга киритган Кенг фронт партияси ғалаба қозонди. Миллий партия ("Бланко") эса 32 ўрин билан иккинчи ўринни қўлга киритди. 13 мандатга эга бўлган "Колорадо" партияси эса учинчи бўлди. Қолган сиёсий партиялар парламентда етарли ўринларни қўлга кирита олмади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Карате устаси айиқни енгди


Кутилмаганда ташланган Ҳимолай айиғининг ҳужумини кекса ёшдаги карате устаси қайтаришга муваффақ бўлди. Бу ҳақда Япониянинг Гумма префектураси полицияси маълум қилди, дея хабар тарқатган "ria.ru".



"Japan Times" нашрига кўра, Нагонахара вилоятининг 63 ёшли фуқароси балиқ овлаётганида унга икки метрли Ҳимолай айиғи ташланган. Тажрибали карате устаси бўлган овчи ўзини йўқотиб қўймади ва бир неча бор йиртқичнинг кўзига қўлини тиқиб олди. Шундан сўнг айиқ қочиб қолди.

Олишув ғолиби енгил жароҳат олди ва яқин орадаги касалхонага ўзи етиб борди. Шу билан бирга, туман маъмурияти аҳолини эҳтиёт бўлиш ва карате устасининг қаҳрамонлигини қайтармасликка чақирди.

Испанияда ҳаво ҳарорати энг юқори даражада



Испанияда фавқулодда иссиқ ҳаво ҳарорати қайд этилди. Иссиқ уриши натижасида бир киши ҳалок бўлди, дейилади "ria.ru" сайтида.

Андалузиянинг баъзи ҳудудларида 45 даража иссиқ қайд этилган. Бу сентябрь ойи учун тарихий рекорд. Бу минтақадаги энг юқори ҳарорат 1988 йилда (42 даража иссиқ) қайд этилган. Маълумотларга кўра, жазирама ҳарорат камида чоршанба кунига қадар сақланиб туради. Давлат метеорология хизмати мамлакатнинг 16 туманида хавфнинг "оловранг" даражаси, яна 6 туманида — "сариқ" даражасини эълон қилди. Севильяда ҳарорат термометр бўйича 44 даражага етди.

Мадридда эса ҳарорат 40 даражага яқинлашган.

16 минг ёшли қоятош расмлари

Австралиялик олимлар қитъанинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Кимберли туманидаги ғорлардан бирида ёши 16 минг йил бўлган қоятош расмларини топди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.

Профессор Жун Росснинг айтишича, бу ердаги ғорлардан бирида чизилган суратларнинг ёши камида 16 минг йилга тенг. Олимнинг қайд этишича, Австралияда одамлар бундан тахминан 56 минг йил аввал келиб ўрнашган. 2014 йилда Индонезиянинг Сулавеси оролида тахминан 39 минг ёшли қоятош расмлари топилган эди. Австралия ғорларидаги қоятош



суратларини эса Индонезия оролларида яшаган ўша одамларнинг авлодлари яшил қитъага кўчиб келганидан сўнг ишлаган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Испаниядаги ғорлардан бирида акс этган ёши 40 минг йил бўлган қоятош расмлари ҳали-ҳамон дунёдаги энг қадимий, деб ҳисоблаб келинмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
39(411) 2016 йил 7 сентябрь, чоршанба

Кўргазма

Маҳалла — маънавият қўрғони

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини юксалтириш, маҳалланинг вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда яратилган миллий қонунчилик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини изчил ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар сиёсий маданиятини юксалтириш, аҳоли бандлиги, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, ўзгалар қўмагига муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга доир ишларни янгича асосда йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши хотин-қизлар оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугун маҳалла мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг таянч нуқтаси бўлиш билан бирга, фуқароларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган ҳамжиҳатлик мактаби сифатида хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Қадрдон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нигора Мирсодиқова. — Давлат бошқаруви органларининг кўплаб ҳуқуқ ва ваколатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилди. Илгари маҳалла фақат ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлатнинг моддий ёрдамини таъминлаш, тўй-маъракаларни тартибли ўтказиш, оилаларни мустаҳкамлаш каби саноқли юмушлар билан шуғулланган бўлса, бугун ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ўнлаб вазифаларни амалга оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун ҳудуд ҳаётида маҳалланинг ўрни, таъсири сезилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Маҳалламизда 7 мингдан зиёд аҳоли ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат истиқомат қилмоқда. Улар билан фуқаролар йиғини яқин ҳамкорликда қатор ижтимоий-маънавий тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Хусусан, маҳалладаги "Ораста қизлар давраси" ҳамда таълим муассасаларидаги "Ораста қизлар" машғулотлари шифокорлар, ҳуқуқшунослар, меҳнат фахрийлари, катта ҳаётий тажрибага эга онахонлар иштирокида ўтказилади, қизларимиз орасталик, одобахлоқ, миллий қадриятларимиз, оиладаги бурч ва вазифалар хусусида кенг билимларга эга бўлмоқда. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", "Тозалик саломатлик гаровидир", "Зарарли одатларсиз — ҳаёт ва гиёҳванд моддаларсиз — соғлом турмуш", "Спорт — саломатлик гарови", "Орзуларингдаги келин", "Қизлик уйга ёғилар раҳмат", "Маънавий таназзулнинг салбий оқибатлари" сингари давра суҳбати ва танловлар маҳаллада маънавий



муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Мен яхши кўрган кинофильм" ва "Менга ёқмайдиган видеоклип" мавзуларида суҳбат, баҳс-мунозара ўтказиш режалаштирилган.

Тўй-ҳашам, маъракa ва маросимларни тартибга солиш хамда ихчам тарзда ўтказиш ишларини янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. "Кенгашли тўй тарқамас", "Эпли келин керакми, сепли келин?" каби тадбирлар тўй ва бошқа маросимларнинг ихчам ва тартибли, камхарж ўтказилишида яхши самара бераётир. Маҳалла фаоллари янги оила қураётган йигит-қизлар, ота-оналар билан суҳбатлар уюштириб, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига, тўй-маросимларни ихчам ўтказишга даъват этиб келмоқда.

Маҳаллада барпо этилган мини-футбол майдони ва ҳудуддаги 122-умумтаълим мактабининг спорт залида ўғил-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланади.

Маҳалла қошидаги "Ота-оналар университети" жамоат тузилмаси фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Тадбирларда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид психологик, тиббий, маънавий-маърифий билимини янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг таълим жараёнида, мактабдан ташқари машғулотларда эришаётган ютуқлари, ўқувчилар таълим-тарбиясидаги камчиликларни бартараф этиш хусусида фикрлашилаётир. Олиб борилган тарғибот ишлари самарасида ҳудудда эрта турмуш қуриш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмаган.

Ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат масканн бўлган маҳаллада амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар оилаларда, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилаётир.

Ориф ЖУМАЕВ,
журналист

Очиқ эшиклар куни

Маърифат ва мутолаа кошонасига саёҳат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 6-9 сентябрь очиқ эшиклар куни эълон қилинди.



Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутолаа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилаётир. Бу борада кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Кутубхона бўйлаб ташкил этилаётган очиқ эшиклар куни ҳам ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, мазкур маърифат масканида китобхонлар учун яратилган имконият ва қулайликлардан хабардор этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида Тошкент темир йўл муҳандислари, Тошкент молия, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига кутубхона фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

— Бугун эрталабдан кутубхонамиз ёшлар билан гавжум, китоб музейи, кўргазмалар зали, кафедралар, китобхонлар каталоглари ва картотека заллари, электрон каталоглар хоналари бўйлаб экскурсиялар ўтказилмоқда, — дейди кутубхона директорининг ўринбосари У.Тешабоева. — Қувонарлиси, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб, мутолаа маданияти ривожланиб бормоқда.

Мазкур кутубхонага 12 ёшдан бошлаб аъзо бўлиш мумкин. Уларга аъзоликни тасдиқловчи пластик карточкалар тақдим этилади. Расмий веб-сайтида фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари мавжуд.

Бу ерда замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотлар, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхати, кутубхонанинг электрон каталогидан фойдаланиш ва адабиётларга буюртма бериш каби хизматлар тақдим этилган.

— Инсон тарбиясида, унинг маънавиятини юксалтириш ва дунёқарашини шакллантиришда китобнинг ўрни беқиёс, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Ш.Аҳмедов. — Биз, талабаларнинг аъло баҳоларга ўқишимиз, мукаммал билим олишимиз, бир эмас, бир неча хорижий тилларни ўрганишимиз учун барча шароит яратилган. Айниқса, замонавий кўриниш, мутлақо янгича қиёфа ва мазмунга эга бўлган Ўзбекистон Миллий кутубхонасига келганимизда кўксимизда ғурурланиш ҳисси пайдо бўлади.

Тадбир доирасида шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, тақдимот маросимлари, тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА

Истеъмолчи ҳуқуқи

Темир йўл транспортидан фойдаланишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида батафсил маълумот берсангиз. Жумладан, имтиёзли чипталар хам кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз.

Жавдот ҲАМЗАЕВ,
Навоий шаҳри

Агар поезд чиптасини қайтариб берсангиз...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ истеъмолчи агар бирор сабаб билан олган чиптасини поезд жўнашига 24 соат қолганда қайтарса, чипта пули унга тўлиқ қайтарилади. Агар 6 соат қолганда қайтарилса, чипта суммасининг 50 фоизи қайтарилади. Поезд жўнаб кетгандан кейин 3 соат ичида қайтарилганда эса чипта тури қандай бўлишидан қатъи назар фақат оддий чипта қийматида қайтариб берилади. Чипталар қайтарилганда воситачилик йиғими ҳисобга олинмайди.



Чипта тўловлари йўловчи маст ҳолатда бўлганида, текширувдан ўтмаганда, чипталарни бегона паспорт бўйича қайтариш амалга оширилганда, чиптада юкни қабул қилиш тўғрисида штамп мавжуд бўлмаганда, чипта шикастланган (йиртилган, ёпиштирилган)да, йўловчининг поездга тиббиёт муассасаси ҳужжатисиз кечикиши 3 соат ва ундан ортиқни ташкил қилганда умуман қайтарилмайди.

Темир йўл транспортида йўловчиларга чипталар тўлиқ қийматда сотилади. Бундан, албатта, қонун ҳужжатлари билан поездда имтиёзли юриш белгиланган фуқаролар мустасно.

Темир йўл транспортида ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан; 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, хусусан, Чернобиль АЭСдаги ҳалокатни бартараф этишда иштирок этган ногиронлар йилига бир марта бепул юриш (бориш ва келиш) ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида). Шунингдек, 3-гуруҳ ногиронларига йилда бир марта (бориш ва келиш) чиптаси эллик фоиз чегирма билан сотилади. Бундан ташқари уларнинг хоҳишига кўра икки йилда бир марта, икки йиллик талон ўрнига йилига бир марта бепул юриш (бориш ва келиш) ҳам тақдим қилинади. Ушбу тартиб 3-гуруҳ ногиронлари ва уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

1-гуруҳ уруш ногиронини кузатиб келаётган шахсга (биттадан кўп бўлмаган кузатувчи)га талон ўрнига йилига бир марта (бориш ва келиш) эллик фоиз чегирма берилади. Кузатувчи шахсга чипта расмийлаштирилаётганда фақат жорий йил талонлари ҳисобга олинади. Имтиёзли чипта олиш учун, албатта, чегирма олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома тақдим қилиниши керак.

Жамшид ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Навоий шаҳар жамияти раиси

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Компьютер ўйинчоқ эмас

ундан меъёрида фойдаланиш зарур

Бугунги кунда замонавий техника, айниқса, компьютер қаршисида болаларнинг соатлаб, ҳатто кун бўйи ўтириши одатий ҳолга айланган. Бу ҳолат уларнинг соғлиғига нақадар катта зиён келтиришини англаймиз, бироқ бунга ҳаммавақт ҳам эътибор қаратмаймиз.

Узоқ муддат компьютер қаршисида ўтириш, монитордаги электромагнит нурланишлар таъсири, кўзнинг чарчаши, қўлкафт бўғимларига тушадиган босим, ахборотлар йўқолиб қолиши пайтидаги асабийлашишлар саломатликка жиддий зарар келтиради. Компьютер қаршисидаги боланинг бўйни, боши, қўли ва елка мушаклари таранг ҳолда туради, бу умуртқа поғонасига ортиқча юк туширади. Оқибатда, болаларда сколиоз (умуртқа поғонаси қийшайиши) касаллиги пайдо бўлади. Бир жойда кўп ўтириш туфайли стул билан тана орасида ўзига хос "иссиқлик" ҳолати юзага келади. Камҳаракатлилик моддалар алмашувининг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари компьютер олдига келганда, ўта ҳушёр бўлиши зарур. Унга қоматини тик тутиб ўтириш зарурлигини уқтириш лозим. Вақти-вақти билан ўриндан туриб, ҳаракатда бўлиш, умуртқа поғона мушакларини мустаҳкамлаш учун турли томонларга эгиш ва букиш машқларини бажариш мақсадга мувофиқ.



Компьютерда кўп ишлаганда қўл, кафт, бармоқларга юк тушади, оғриқлар, қўлларнинг увишиб қолиши кузатилади. Бунда энг аввало, компьютер клавиатураларидан фойдаланганда тирсакдаги қўлни букиш бурчаги тўғри (90 даража) бўлиши талаб этилади. Компьютер учун мослашган стулларда тирсакни қўйишга мўлжалланган махсус мосламалар қўлларга вақти-вақти билан дам олиш имкониятини яратади. Электромагнит нурлари терининг очиқ жойларига тушиб, тери билан боғлиқ аллергик касалликларни чақириши мумкин. Шу боис хонада ҳаво айланиши яхши йўлга қўйилиши, уни тез-тез шамоллатиб туриш, намликни меъёрда ушлаш мақсадга мувофиқ.

Бугун техника тобора такомиллашиб бормоқда. Улардан фойдаланишда, аввало, саломатликка зарар етказмаслик, айниқса, фарзандларимиз соғлиғини муҳофаза қилишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Компьютердан фойдаланадиган нафақат болалар, балки катталар ҳам кўзнинг толиқиб қолмаслиги учун қуйидаги оддий қоидаларга амал қилиши лозим: монитор билан кўз оралиғи масофаси 45 сантиметрдан кам бўлмаслиги шарт. Ёруғлик монитор экранига тушиб, кўришга ҳалақит бермаслиги керак. Экран сатҳини тез-тез артиб туриш лозим. Кўзга тез-тез 10-15 дақиқалик танаффус бериш керак. 10 дақиқага кўзни юмиб туриш, вақти-вақти билан кўз қорачиқларини айлантириш зарур. Ойнадан ташқарига қараб, узоқ ва яқинни кўриш машқларини бажариш тавсия этилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Ялқов (ҳайвон) бир кеча-кундузда 15 соат ухлайди. У ниҳоятда камҳаракат бўлиб, асосий вақтини дарахтда ўтказади, камдан-кам ҳолатларда ерга тушади.
- Бир бор тўйиб овқатланиб олган тимсоҳ бир ой давомида овқат емаслиги мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

"Ақлли" музлаткич

"LG" компанияси ақлли музлаткич ишлаб чиқарди

Музлаткич 29 дюйм диагоналга эга улкан яримшаффоф сенсор дисплей билан бойитилган. Унинг хизмат кўрсатиши ҳам худди кўриниши каби ажойиб — иловалар тез очилади ва қотиб қолмайди. Маиший техникада бир қатор вазифаларни бажаришга имкон берувчи "Windows 10" иловаларининг тўплами ўрнатилган, яъни янги музлаткичда маҳсулотлар рўйхатини тузиш, таймерга қўйиш, масаллиқлар ёки маҳсулотлар ҳақида турли фойдали маълумотларни сақлаш мумкин. Шунингдек, дисплей орқали кўриниб турадиган маҳсулотни белгилаш имкони ҳам мавжуд. Музлаткичда "Intel Atom" процессори ва 2 гигабайт оператив хотира ўрнатилган. Маиший ускуна "Windows 10"нинг тўлиқ базасида ишлайди. Унга "Windows Store"дан тўғридан-тўғри иловаларни юклаб олиш, қўшиқ эшитиш мумкин. Ишлаб чиқарувчилар музлаткичнинг аниқ хусусиятлари ва унинг баҳоси ҳақида тўлиқ маълумот бермаган. Манбага кўра, "Smart Instaview Door-in-Door" ақлли музлаткичи жорий йилнинг охирида сотувга чиқади.

Автомобилларга домофон ўрнатилади

Шундай пайтлар бўладики, курьер уйингизга келди, лекин уйда ҳеч ким йўқ. "Volkswagen" компанияси бу муаммонинг ечимини топди. Энди масофадан туриб почтачига эшикни очиш мумкин бўлади, ҳатто автомобиль бошқараётган бўлсангиз ҳам бунинг иложи бор.

Энди домофон машинанинг ахборот-кўнгилочар мажмуаси билан уйғунлашиши мумкин. Лойиҳа "DoorBird" стартапи ҳамда "Hormann" фирмаси (автоматик дарвозалар ишлаб чиқарувчи) билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳозирча тизим уй эшигининг қўнғироғи чалинганда хонадон соҳиби гарчи йироқда бўлса-да, уни огоҳ қила олади. Компания учун бу ғоя янгилик эмас, бироқ автомобиль тизимида бу илк марта йўлга қўйилмоқда. Келажакда тизимнинг имкониятларини ошириш, хусусан, гараж дарвозаси ёки уй эшигини масофадан туриб очиб-ёпишнинг иложини топиш мўлжалланмоқда.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 21 сентябрь, чоршанба куни чиқади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5053. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Тўмарис БУТУНБОЕВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.50.
ЎзА якуни — 21.00.
ISSN 2010-7714
12345